

 Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzARB muammolari

2/S-son (4-jild)

2024

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ S/2 (4) – 2024

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2024

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Укташ Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Турсунов Равшан Нормуратович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Холикулов Ахмаджон Боймаҳамматовиҷ – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Габриэльян Софья Ивановна – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий Университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Раја Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Насирходжаева Дилафруз Сабитхановна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Остонокулов Азамат Абдукаримович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент молия институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўқтамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Хожаев Азизхон Сайдалохонович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Фарғона политехника институти

Холов Актам Ҳатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Ҳамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яҳшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Файбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Сайдова Камола Усканбаевна – фалсафа фанлари доктори, "Tashkent International University of Education" халқаро университети;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Ўроқова Ойсулув Жамолиддиновна – фалсафа фанлари доктори, доцент, Андижон давлат тибиёт институти, Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудири;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехruz Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳасанов Шавкат Аҳадович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Бахронова Дилрабо Келдиёровна – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Мирсанов Ғайбулло Қулмурадович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Салаҳутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдулаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Ҳуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Файбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судъялар олий кенгаши хузуридаги Судъялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич - юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Ҳавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна - педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Қаюмова Насиба Ашурновна - педагогика фанлари доктори, профессор, Қарши давлат университети;

Тайланова Шохида Зайневна - педагогика фанлари доктори, доцент;

Жуманиёзова Мұхәйё Тожиевна – педагогика фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Ибрахимов Санжар Урунбаевич – педагогика фанлари доктори, Иқтисодиёт ва педагогика университети;

Жавлиева Шахноза Баходировна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети;

Бобомуротова Латофат Элмуродовна - педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Хайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна - психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Шамшетова Анжим Карамаддиновна – психология фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;
Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси.

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атакулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;
Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Махкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” маъсулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:
(99) 602-09-84 (telegram).

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

Полвонов Козимбек	
ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ШАҲАРЛАРИ ТОПОНИМИГА ОИД	
МАЪЛУМОТЛАР	10-15
<i>Xadjamuratova Matlyuba</i>	
МАКТАВГАЧА ТА’ЛИМДА БОЛАЛАРНИ ИЖТИМОИY ХИМОЯ QILISHGA INNOVATSION	
YONDOSHUVNING DOLZARBLIGI	16-21
Шовкатов Шокир Шовкат ўғли	
АБУЛ-ЮСР ПАЗДАВИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШДАГИ ЁНДАШУВЛАР	22-31
<i>Mo'minov Xusanboy Madaminjonovich, Qodirjonov Omadjon Tavakkaljon o'g'li</i>	
О'zbekiston RESPUBLIKASIDA SUD QONUNCHILIGIGA KIRITILGAN O'ZGARISHLAR VA	
ULARNING AHAMIYATI	32-36

Пардаев Асрор	
ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ АҲОЛИСИНИ ХАЛҚ ИСТЕМОЛИ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ	
МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ	37-42

08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

Умурзақова Мўътабархон Нодир қизи	
ЖАХОНДА ТИББИЙ СУФУРТА ТИЗИМИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ	43-52

Рахманов Зафар	
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ДЕПОЗИТ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ	
ТЕНДЕНЦИЯЛАРИНИ БАҲОЛАШ	53-62

Аминов Фазлитдин Баҳадирович	
РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ СЕМЕЙНОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В ЭКОНОМИКЕ	
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН	63-70

Курбонова Шаҳриноз Авазхоновна	
ИҚТИСОДИЁТНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНЛАРИДА АСОСИЙ ВОСИТАЛАР	
ТАҲЛИЛИНИ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ	71-81

<i>Azimova Hulkar Egamberdiyevna</i>	
KREDIT PORTFELINI SAMARALI BOSHQARISHDA TIJORAT BANKLARINING O'RNI	82-87

Rajabov Orzujon Mamasoliyevich	
LOGISTIKA XIZMATLARINI KO'RSATISHDA BUYUMLAR INTERNETI (INTERNET OF	
THINGS)DAN FOYDALANISH	88-93

Сайдов Сарвар Хайруллоевич	
ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИДА БОШҚАРУВ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ ШАКЛАНТИРИШ	
БОРАСИДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ	94-104

Сержанов Аймурат Медетбаевич	
ХАЛҚАРО АМАЛИЁТ ВА ЎЗБЕКИСТОНДА РАҶАМЛИ БАНКЛАР ХИЗМАТЛАРИНИ ЯРАТИШ	
ЗАРУРИЯТИ	105111

Туробов Шерзод Алишерович, Ибодуллаев Зафар Ибодуллаевич	
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ХОРИЖ	
ТАЖРИБАСИ	112-119

<i>Daniyarova Feruza Baxriddinovna, Chinorova Shahodat Mansur qizi</i>	
O'zbekiston IQTISODIYOTIGA XORJIY INVESTITSIYALARNI JALB QILISH	
YO'LЛАRI	120-126

Temirova Feruza Sagdullayevna

XULQ-ATVOR IQTISODIYOTI VA BRENDGA SODIQLIK 127-132

Sharipova Shaxzoda Xasanovna

YANGI O'ZBEKISTONDA TURIZM MADANIYATINI YUKSALTIRISH ISTIQBOLLARI 133-138

09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ

Alimova Shahniza Hamidovna

НОГИРОНЛИГИ БОР ЁШЛАР - АЛОҲИДА ХУСУСИЯТГА ЭГА ИЖТИМОЙ-ДЕМОГРАФИК ГУРУХ СИФАТИДА 139-147

Asrakulova Adiba Nabieva

“ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ” НИНГ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАФАККУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ 148-154

10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Teshabayeva Dilfuza Muminovna

LEXICAL PROBLEMS OF TRANSLATING THE NAMES OF NEW PHENOMENA IN MASS MEDIA 155-160

Rustamov Ilhom Tursunovich, Inog'mjonova Robiya Rustamjon qizi

INTERFERENSIYA HODISASINING TILDA AKS ETISHI XUSUSIDA OLIMLARNING TADQIQOTLARI VA QARASHLARI 161-165

Abdikhamidova Sevinch Obidjon kizi

PROBLEMS FACED IN TRANSLATING PROPER NOUNS 166-170

Djurakulova Elmira Suyunova

SHOYIM BO'TAYEV ROMANLARIDA BADIY XRONOTOP VA MIFOLOGIK TALQIN 171-177

Dalieva Madina Khabibullaevna

THE ROLE OF BLENDING THEORY IN POLYSEMY AND METAPHOR 178-183

Жўраева Ирода Ахмедовна

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК АНТРОПОНИМИК ЛУФАТЛАР ТИПОЛОГИЯСИ 184-189

Iminova Shahnoza-Begim Bahodirovna

INGLIZ TILIDA INSONNING IJOBIY AQLIY XUSUSIYATLARINING IFODALOVCHI BIRLIKLARNING KONSEPTUAL, LINGVO-MADANIY XUSUSIYATLARI 190-193

Irgasheva Shoxida Sadreddinovna

INTERNET DISKURSIDAGI IQTISODIY NEOLOGIZMLARNI TARJIMA QILISH XUSUSIYATLARI 194-200

Tursunova Zarina Farxodovna

LINGVISTIKADA EMOTLARNI O'RGANISHGA ZAMONAVIY YUNDASHULAR (INGLIZ TILI ASOSIDA) 201-205

Satibaldiyev Erkinjon Kamilovich

PARADIGMATIC SOUND INTERFERENCE IN THE ENGLISH SPEECH OF TURKOPHONES 206-212

Radjabova Hafiza Shukrulloyevna

INGLIZ VA O'ZBEK TERMINOLOGIYASINING METODOLOGIK ASOSLARI 213-220

Avezova Dilovar Salimovna

TAXALLUSLARNI O'RGANISHNING NAZARIY JIHATI 221-225

<i>Alikberova Kamila Adhamovna</i>	
A CRITICAL ANALYSIS OF LANGUAGE USE AND LANGUAGE ACQUISITION	226-232
<i>Rakhmatova Bahara Ibodulla qizi</i>	
THE ROLE OF LEGAL DISCOURSE IN MODERN LINGUISTICS	233-238
<i>Valieva Nargizakhon Zamir kizi</i>	
COMPARATIVE ANALYSIS OF “KITE RUNNER” AND “A THOUSAND SPLENDID SUNS” BY KHALED HOSSEINI: THEMES, CHARACTERS, AND SOCIOPOLITICAL CONTEXT	239-244
<i>Mamatqulova Zilola Rejabaliyevna</i>	
RISHTON KULOLCHILIK MAKTABI KASB-HUNAR LEKSIKASINING STUKTURAL TASNIFI	245-251
<i>Alimova Kamola Tursunovna</i>	
CHALLENGES IN PREPARATION OF GUIDE TRANSLATORS	252-258
<i>Сейтимбетова Айкумар Пулатбаевна</i>	
ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКИХ ЕДИНИЦ В АНГЛИЙСКОМ, РУССКОМ И КАРАКАЛПАКСКОМ ЯЗЫКАХ.....	259-264
<i>Бегжанова Айсилуу Махмудовна</i>	
ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА КОМПЬЮТЕР ЛИНГВИСТИКАСИ ТЕРМИНЛАР ТИЗИМИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ	265-270
<i>Kubanova Ilmira Sharifovna</i>	
EXPLORING ABBREVIATED RAILWAY TERMINOLOGY IN ENGLISH: A COMPREHENSIVE ANALYSIS	271-275
<i>Azamjonova Sarvinoz</i>	
USE OF TOPONYMS IN MODERN FRENCH MEDIA	276-282

12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР

<i>Muxiddinova Dildora Muxiddinovna</i>	
O'ZBEKİSTONNING BOJXONA FAOLIYATIGA KİOTO KONVENSIYASINI JORİY ETİŞHNİNG HUQUQIY JİHATLARI VA JSTGA A'ZOLIKNING TA'SIRI	283-292
<i>Asadov Eldorjon Nizomiddin o'g'li</i>	
SOLIQ NAZORATI HUQUQIY ASOSLARINI TAKOMILLASHTIRISH DAVLAT MOLİYAVİY NAZORATI INSTITUTİNİNG MUHİM OMİLİ	293-298
<i>Mustanov Ilxom Abdıvalijonovich</i>	
BANK QONUNCHILIGINI BUZGANLIK UCHUN JAVOBGARLIKNING NAZARIY-HUQUQIY JİHATLARI	299-304
<i>G'oyibov Jo'rabek Choriyevich</i>	
YOSHLAR MIGRATSİYASI: MUAMMO VA YUTUQLAR TAHLILI	305-309

13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

<i>Kuziyev Otobek Chuliyevich</i>	
TALABALARDA AXBOROT MODELLASHTIRISH KO'NIKMASINI SHAKLLANTIRISHNING MUHİM UCH BOSQICHI	310-314
<i>Fattaxova Diloram</i>	
TIL O'QITISHDA FOYDALANILADIGAN KOMPYUTER METODLARI	315-321
<i>Moydinova Elmira</i>	
APPLICATION OF FLIPPED LEARNING METHODS IN THE UNIVERSITY	

CLASSROOM	322-326
<i>Xodiyeva Gulhayo Hasan qizi</i>	
ZAMONAVIY BOSHLANG'ICH TA'LIMDA 4K MODELI KOMPETENSIYALARINI RIVOJLANTIRISHGA INTEGRATIV YONDASHUVNING MOHIYATI	327-333
<i>Doniyorova Gulrux Shoniyozovna</i>	
AVTOMOBILSOZLIK YO'NALISHI TALABALARINING KASBIY KOMPETENSIYASINI RIVOJLANTIRISHDA DASTURIY VOSITALARNING AHAMIYATI	334-338
<i>Jumaniyozova Muhayyo Tojiyevna</i>	
RIVOJLANTIRUVCHI TA'LIMINING ASOSIY NAZARIYALARIDA TA'LIM OLUVCHINING ANALITIK QOBILIYATINI SHAKLLANTIRISH MUAMMOLARI	339-344
<i>Xo'jamberdiyeva Dilfuzা Ikramovna</i>	
DARSLIK BILAN ISHLASH O'QUVCHILARNING AXBOROT KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISH VOSITASI SIFATIDA	345-351
<i>Mamaraimov Bekzod Qodirovich</i>	
O'QUVCHILARNING TADQIQOTCHILIK KO'NIKMALARINI SHAKLLANTIRISH VA ULARNING QIDIRUV FAOLIYATIGA TAYYORLIGI	352-356
<i>Xudayberdiev Nurislam Nuralievich</i>	
BO'LAJAK O'QITUVCHILARING RAQAMLI KOMPETENTLIGINI SHAKLLANTIRISHNING TASHKILIY-PEDAGOGIK MEXANIZMI	357-363
<i>Qarshiyev Jamshid Murotaliyevich</i>	
TALABALARINING O'QUV FAOLIYATI VA ILMIY IZLANISHLARIDA SUN'IY INTELLEKT: IMKONIYAT VA CHEGARALAR	364-369
<i>Teshaboyeva Shahodat</i>	
ZAMONAVIY SHAROITDA SHAXSNING KASBIY HUQUQIY MADANIYATI	370-375
<i>To'rayeva Dilnoza Ismoilovna</i>	
RAQAMLI TA'LIM MUHITIDA BO'LAJAK O'QITUVCHINING KASBIY KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISH USLUBIY TAYYORGARLIKNING BIR QISMI SIFATIDA	376-380
<i>Beknayeva Shaxnoza Vladimirovna</i>	
MAKTABGACHA TA'LIM TASHKIOTLARIDA INSON RESURSLARINI BOSHQARISHDA INNOVATSION JARAYONLAR	381-388
<i>Dusyarov Salimjon Xudaymuratovich</i>	
HARAKATLI O'YINLAR ASOSIDA MAKTAB O'QUVCHILARIDA JISMONIY MADANIYATNI SHAKLLANTIRISH	389-393

Шовкатов Шокир Шовкат ўғли
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
хузуридаги Малака ошириш маркази ўқитувчиси
shokirshovkatogli1976@gmail.com

АБУЛ-ЮСР ПАЗДАВИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШДАГИ ЁНДАШУВЛАР

Аннотация. Ушбу мақолада калом ва ақоид илмларининг шаклланиши, ақида илмининг ривожланишида катта ҳисса қўшган мутакаллим олим Абу Юср Паздавий ва унинг Мотуридия калом мактаби ривожидаги ўрни, унинг Мовароуннаҳрда ақоид ва унга оид илмлар ривожидаги ўрни ҳақидаги маълумотлар тадқиқотлар асослар асосида ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Калом илми, ақоид, Абу ал-Юср Паздавий, Самарқанд, Абу Ҳафс Умар Насафи, Имом Муҳаммад, Имом Мотуриди, Абу Шакур Кеший, имом Ашъарий, Бухоро.

Shovkatov Shokir Shovkat ugli
International Islamic Academy of Uzbekistan
The teacher of the center of excellence

APPROACHES TO STUDYING THE SCIENTIFIC HERITAGE OF ABŪL-YUSR AL-BAZDAWĪ

Abstract. In this article, information about the formation of kalam and ‘aqā’id sciences and the development of the science of ‘aqīdah, the learned scientist Abū-Yusr Al-Bazdawī and his place in the development of the Māturīdiyyah school of kalām, and his place in the development of ‘aqā’id and related sciences in Mā Warā’ Al-Nahr, are highlighted on the basis of research.

Key words: Kalām science, ‘aqīdah, Abū-Yusr Al-Bazdawī , Samarkand, Abū Ḥafṣ ‘Umar Nasafī, Imam Muḥammad, Imam Māturīdī, Abū Shakūr Keshī, Imam Ash‘arī, Bukhara.

Шовкатов Шокир Шовкат угли
Международная исламская академия Узбекистана
в присутствии Преподаватель центра превосходства

ПОДХОДЫ К ИЗУЧЕНИЮ НАУЧНОГО НАСЛЕДИЯ АБУЛ-ЮСР ПАЗДАВИ

Аннотация. В этой статье информация о становлении калама и акаид и развитии науки акида, ученым Абу Юсре Паздеви и его месте в развитии школы калама Матуридия, и его месте в развитии акида и смежные науки в Мовароуннахре выделяются на основе исследований.

Ключевые слова: каламская наука, ақида, Абу ал-Юср Паздави, Самаркан, Абу Ҳафс Умар Насафи, Имам Муҳаммад, Имам Мотуриди, Абу Шакур Кеши, Имам Ашъарий, Бухара.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4SI2Y2024N03>

Кириш. Бугунги кунда ислом оламида аҳли сунна вал-жамоа калом мактабининг иккита йирик йўналишидан бири сифатида эътироф этилган мотуридийлик

таълимотининг ривожида ўзига хос ўрин тутган аллома – Абул-Юср Паздавийнинг илмий меросини ўрганиш муҳим ўринга эга.

Паздавийлар оиласи вакилларининг ҳанафийлик ҳуқуқий мазҳаби ва мотуридийлик ақидавий таълимоти ривожида хизматлари катта бўлиб, уларнинг фаолияти ва илмий меросини таҳлил қилиш орқали мазкур таълимотларнинг ривожланиш тарихи ҳамда бу жараёнга Паздавий олимларнинг таъсири борасида янги илмий хуросаларни олиш мумкин. Қашқадарё воҳасининг қадимий манзилларидан бири «Пазда» шаҳарчаси кичик ҳудуд бўлишига қарамай илк ўрта асарларда илм-фаннынг марказларидан бири бўлган. Тадқиқот давомида «Паздавий» (پزدوي) нисбаси билан фаннинг турли соҳаларида фаолият олиб борган йигирмадан ортиқ олимлар номи ва уларнинг қирқдан ортиқ илмий асарлари борлиги аниқланиб, уларнинг аксари ҳозиргача сақланиб қолгани ҳамда ҳар бири ислом ақидаси, ислом ҳуқуқи ва тилшунослик назариялари бўйича фундаментал манбалар экани аниқланди.

Адабиётлар таҳлили ва методология. Тарихий ёзма манбаларда «Пазда»¹ шаҳарчаси эра бошларида Қашқадарё воҳасининг жанубий-ғарбий этакларида вужудга келган йирик аҳоли манзили бўлиб, XIII аср бошида содир бўлган муғуллар босқини сабаб Ўрта Осиёдаги қўпгина шаҳарлар қатори Пазда ҳам харобага айланган ва бу ҳуҳуд ҳозирда Қашқадарё вилояти Касби тумани, Пазли қишлоғи ҳудудига тўғри келиши қайд этилган. [25:409][11:340] [20:201][21:8] [19:67] [20:201] [18:220]

Х аср араб географи Ибн Хавқал ўзининг қайдларида Насафдан Бухорога кетиш йўлида ундан 4 (тўрт) фарсах² узоқлиқда Касби шаҳарчаси, Касбидан 2 (икки) фарсах узоқлиқда «Пазда» шаҳарчаси жойлашгани, ҳар иккала шаҳарда ҳам жомеъ масjid мавжудлигини зикр қилган. Шунингдек, олим Базда ва унга яқин бўлган Касби шахри қалъалари бир вақтда қурилгани, ўртада чамаси 10 км. масофа бўлишига қарамай биридан иккинчиси қўриниб тургани ҳақида ёзган. [18:67]

XII асрнинг машҳур тарихчиси Абдулкарим Самъоний (1163-1167) ҳам Пазда Насафдан олти фарсах узоқлиқдаги баланд ва мустаҳкам қўрғоннинг номи экани ва ўзи ҳам шаҳарда бир муддат бўлгани, у ерлик олимлардан дарс олганини зикр этган. [11:339] Профессор П.Равшанов изоҳларида Шаҳар қалъаси обиадалари энг пастки қатлами I-II асарларга мансуб экани айтилган. [19:201]

Мазкур даврга оид яна бир тарихий-географик асар «Ҳудуд ал-олам» (Олам чегалари)да шаҳарда дехқончилик яхшигина ривожлангани ва экинзорлар маълум муддат мавсумий оқувчи дарё ўзанидан, йилнинг аксар қисмида қудук ва сув ишноотларидан суфорилиши қайд қилинган. [22:13] Академик В.В.Бартольд ҳам Паздани Қашқадарё воҳасидаги шаҳарлар қаторида санаб, тарихий манбаларга таёнган ҳолда ундаги жомеъ масjid яқинида ғишт қуйиш ва пишитиш тандирлари қурилганини зикр этади. [23:207]

Муҳокама. Келтирилган маълумотлар асосида Пазда Насаф ва Бухорони боғлаб турувчи асосий йўл устида жойлашгани учун савдо-сотик ривожланган шаҳар экани, дехқончилик ва сув хўжалиги тараққий этганидан шаҳар аҳолиси иқтисодий жиҳатдан анчагина қудратли бўлганини ҳамда шаҳар мустаҳкам қўрғон билан ўралгани, унда

¹ Арабча манбаларда “بَذْدَة” – Базда, форсий, туркий ва ўзбек тилидаги манбаларда “بَذْدَة” “Пазда” шаклида келади.

² Ўрта асрларда 1 фарсах – 6 километрга тенг масофага айтилагн. Касби Насафдан тахминан 20 км, Базда эса 30 км узоқлиқда жойлашган.

масjid ва қурилиш ашёлари тайёрловчи маҳсус йирик иншоотлар мавжудлиги ўша даврдаёқ Паздада бунёдкорлик ҳам яхшигина ривожланганидан дарак беради. Илк ўрта асрларда масжидлар нафақат ибодат қилиш жойи, балки аҳолига таълим бериш ва айрим сиёсий масалалар кўриладиган марказ ҳам бўлган. Шунингдек, Абдулкарим Самъоний (1113-1167), Шамсиддин Заҳабий (1275-1348)лар табақот асарларида араб лашкарбошиси Қутайба ибн Муслим (669-715)нинг дўсти Сулайм ибн Мансур Басрий Паздавий (VIII аср) ва унинг набираси Аҳмад ибн Азиз ибн Сулайм Паздавий, Абу Талҳа Мансур ибн Қарийна Паздавий (ваф. 329/941 й.), Абу Абдуллоҳ Убайдуллоҳ ибн Амр Паздавий (ваф. 323/935 й.) каби йигирмага яқин Паздалик муҳаддислар ҳақида маълумотлари [11:340] Паздада VIII асрдаёқ илм-фаннинг турли соҳаларига оид илмий мактаб мавжуд бўлганини билдиради.

Паздадан етишиб чиққан олимларнинг энг машҳурлари Абдулкарим Паздавий (912-999) ва унинг авлодлари: ўғли Ҳусайн, набираси Муҳаммад, унинг икки ўғли Фахрул-ислом Абул Уср Паздавий (1009-1089) ва Садрул-ислом Абул Юср Паздавий (1030-1100) ҳамда уларнинг фарзандалари Ҳасан ибн Фахрул-ислом (1078-1161) ва Аҳмад ибн Абул Юср Паздавий (1088-1147)лар бўлиб, уларнинг илмий фаолияти ҳанафий фикҳи ва мотуридийлик ақидавий таълимоти ривожида ўзига хос ўринга эга.

Паздавийлар хонадонининг тўртинчи авлод вакили Садрул-ислом Паздавийнинг тўлиқ исми Абул Юср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Ҳусайн ибн Абдулкарим ибн Мусо ибн Мужоҳид бўлиб, тахминан 421/1030 йилда Паздада¹ дунёга келади.[32:603][13:124][14:693][15:501] Садрул-ислом Паздавий Марказий Осиёда илм-фан ривожланган XI асрда яшаб ўз давридаги барча илмларни чукур билгани, кўплаб шогирдларни тарбиялагани ва ислом ҳуқуқи ҳамда ақидасига оид муҳим илмий асарлар таълиф этгани учун илм аҳли томонидан унга кўпгина илмий унвонлар берилган.

Абдулкарим Самъоний (1113-1167) аллома ҳақида шундай дейди: “Паздавий халқ орасида қозилар пешвоси «Қодий ас-садр» (Аср қозиси) сифатида танилган бўлиб, Бухорода бир қанча вақт ҳадис имло қилдирган, фиқҳ соҳасида талабаларга дарс берган забардаст назариётчи олим эди”. [10]

Абу Ҳафс Умар Насафий “ал-Қанд фи зикри улами Самарқанд” асарида “Абул Юср мутлақ олганда имомларнинг имомидир, турли ўлкалардан талабалар илм ўрганиш учун унинг олдига келар эди. У зот усул ва фуруъда кўплаб асарлар ёзган. Самарқанд қозилигига тайинланган ва бир муддат ҳадис имло қилдирган” деб зикр қиласи. [17]

Хайриддин Зирклий ўзининг “Аълом” номли китобида айтишича, Муҳаммад ибн Муҳаммад Паздавийнинг “Абул-Юср” (осонлик отаси) деб куняланишига сабаб, унинг китоблари оддий ва содда тилда ёзилганидир. Муқобил равишда унинг акаси Али ибн Муҳаммад Паздавийнинг таълиф қилган асарлари юқори илмий савияда ёзилгани, уларни тушуниш учун муайян билимлардан хабардорлик талаб этилгани, учун “Абул-Уср” (қийинлик отаси) куняси билан машҳур бўлган. Уларнинг бобоси Абдулкарим Паздавий муҳаддис бўлиб, Мотуридийнинг шогирдларидан бири бўлган.[16:54] Ибн Абулафонинг “Жавоҳир” асарида айтилишича у 390/999 йилда вафот этган, исми Абу Муҳаммад Абдулкарим ибн Мусо бўлган. [24:3326] Абул-Юср Паздавий мазкур боболари

¹ Ҳозирда Пазли қишлоғи деб номланади. Қашқадарё вилоятининг Касби туманида жойлашган бўлиб, ҳозирги Қарши шаҳридан тахминан 35 км, Касби туман марказидан 15 км масофада. Абул Муъин Насафий ёдгорлик мажмуасидан 6 км жанубий-ғарб тарафида жойлашган

тўғрисида ўзининг “Усул ад-дин” асарида сўз юритиб, унинг Мотуридий ҳақидаги ривоятлари авлоддан авлодга ўтиб бораётганини таъкидлайди. Умар ибн Мұхаммад Насафий “ал-Қанд фи тарихи Самарқанд” асарида: “Абул-Юср мовароуннахрлик асҳобларимизнинг шайхи, имомлар имоми эди. Турли ўлкалардан талабалар илм ўрганиш учун унинг олидига келар эди. У усул ва фуруъда кўплаб асарлар ёзган. Самарқанд қозилигига тайинланган ва бир муддат ҳадис имло қилдирган”, деб маълумот беради. [7:33]

Аллома асосан «Садрул-ислом» (الصدر الاسلام) номи билан танилган. Садрул-ислом Паздавий илмий камолотга етишида оилавий мұхитининг таъсири катта бўлган. Ўз давридаги кўплаб фанларни, жумладан, ҳадис, тафсир, ақида ва фиқҳ илмларини отаси Мұхаммад ва бобоси Хусайндан ўрганган. Улар эса ўз навбатида Мотуридийнинг шогирди бўлган катта бобоси Абдулкарим Паздавийдан таълим олган.

Фахрул-ислом Паздавий ва укаси Абул Юср Паздавий отаси Мұхаммаддан ҳадис ва ақида илмларини ўрганишганини ўз асарларида айтиб ўтишган. Жумладан, Абул Юср Паздавий «Усул ад-дин» (Диннинг асослари) асари мұқаддимасида: «Бизга падари бузругворим, шайх, имом раҳимаҳуллоҳ бобоси шайх, имом, зоҳид Абдулкарим ибн Мусо раҳимаҳуллоҳдан Имом Мотуридийнинг кўплаб кароматларини эшитганини ҳикоя қилиб берган. Бобом мазҳаббошилар китоблари маъноларини тўлиқ эгаллаган ва устози Имом Мотуридийнинг «Китоб ат-Тавҳид ва «Китоб ат-Таъвилот» асарларини ёд олган эди» дейди ҳамда асарнинг «Қайта тирилиш» мавзусида отасидан «Бизга шайх имом Мұхаммад ибн Ҳусан ибн Абдулкарим Росууллороҳ алайҳиссаломгача етиб борадиган санад орқали: «Ким бирор қулини ноҳақ ўлдирса, у қиёматгача «мени ноҳақ ўлдирди деб, жар солиб чиқади» ҳадисини ривоят қилган.[30:14,162] Демак, Абул-Юср Паздавий Самарқанд калом мактаби билан оиласи орқали ҳам танишиш имконига эга бўлган.

Ислом асосларини чуқур ўрганган аллома ҳаёти давомида кўпгина китоблар таълиф қиласи. Олимнинг ёзган китоблари турли соҳаларга оид бўлиб, улар орасида “Усул ад-дин” асари мұхим аҳамиятга эга. Аллома мазкур асарини тўқсон олтита масала кўринишида баён қилган бўлиб, буларнинг биринчисида калом илмини ўрганиш ва ўргатиш ҳукми ҳақида баҳс юритган бўлса, охирги масалада эса мотуридийларга мухолиф мазҳабларни баён қилиб ўтган.

Шунингдек, Паздавий бу асарида кўп маротаба Мотуридийга ҳам мурожат қиласи. Масалан, ўз асарининг бошида “Китоб ат-тавҳид”га урғу бериб, унинг услугуб ва ўзига хос хусусиятлари ҳақида мұхим маълумотлар беради. Алломанинг мазкур асари билан бир қаторда фиқҳ илми асослари ва соҳалари ҳамда араб тили грамматикасига бағишлиланган асарлари ҳам бор. Жумладан, “Шарҳ ал-ажрумия”, Имом Мұхаммаднинг “ал-Жомеъ ас-сағир” асарига шарҳ сифатида “Таълиқот” ҳамда ҳошия ҳисобланувчи “ал-Мураттаб” ва фиқҳга оид “ал-Воқиат” ва “ал-Мабсут” каби асарларини келтириш мумкин. [31:88]

Ҳозирги кунда баъзи замонавий тадқиқотчилар Абул-Юср Паздавийнинг мотуридийлик таълимоти вакили ва Мовароуннахрдан етишиб чиққан аллома эканига шубҳа билдиради. Бунинг тасдиғи сифатида алломанинг “Усул ад-дин” асарида мотуридийлик таълимоти номининг зикр қилинmasлигини далил қилиб келтиришга ҳаракат қиласидилар. Лекин бу қараш нотўғри ҳисобланади. Шу билан бирга, Абул-Юср

Паздавийнинг шахсияти ва илмий мероси борасидаги мазкур қараш бирор бир илмий асос ва далил-хужжатга эга эмас.

Аввало шуни таъкидлаш лозимки, Имом Мотуридий яшаган давр – IX ва X асрларда мотуридийлик номи ислом оламида кенг тарқалмаган эди. Мазкур даврда ушбу таълимот умумий маънода аҳли сунна вал-жамоа деб номланган. Бунинг тасдиғи сифатида IX асрда яшаб ижод қилган аллома Ибн Яхё ўзининг “Шарҳу жумали усул аддин” (Дин асослари қисқа баёнининг шарҳи) асаридағи ривоятни келтириб ўтиш мумкин. Яъни X асрда Самарқанд шаҳрида исломни қабул қилган янги бир мусулмон киши ўша даврдаги мавжуд турли фирмә вакилларининг олдига бориб, уларнинг мазҳаби борасида саволлар беради.

Жумладан, қадарийлик фирмәси вакилининг олдига бориб: “Мазҳабингни менга баён қил?” деб сўраганида, у: “Хоҳлаган ишимни қила оламан ва хоҳлаган ишни қилишга қодирман”, деб жавоб беради. Савол сўраган киши “Мен бу мазҳабга кирмайман. Чунки сизнинг мазҳабингизга кўра, Аллоҳ таолодаги қудрат менда ҳам мавжуд бўлиб қолади”. Қадарий фирмәси вакили: “Агар менинг мазҳабимга кирмасанг, аҳли сунна вал-жамоага кир”, дейди. Ҳар бир фирмәнинг жавобини қабул қилмаганида, ҳар бир фирмә вакили: “Агар бизнинг мазҳабимизга кирмасанг, аҳли сунна вал-жамоага кир”, деб айтишади. У эса аҳли сунна вал-жамоа кимлар эканини сўраганида, унга: “Улар ҳар бир шаҳарда аҳли сунна вал-жамоа номи билан танилганлар. Улар Самарқандда “Дор ал-жузжония” ва “Дор ал-иёдия” мактабига мансублар, Бухорода Абу Ҳафс издошлари ва Балхда Нусайр ибн Яхёнинг тарафдорларири” деб жавоб берар эди. [33:35,36] [34:120^a-121^a] Ушбу маълумот IX-X асрларда Мовароуннаҳр худудида турли фирмә ва мазҳаб вакиллари фаолият юритганига далил бўлади.

Абул Юср Паздавий билан замондош бўлган машхур мутакаллим аллома Абу Шакур Кеший “Тамҳид” асарида ҳам мотуридийлик таълимотининг ўрнига аҳли сунна вал-жамоа атамасини ишлатган. Юқоридаги келтирилган маълумотлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Абул Юср Паздавий ва Абу Шакур Кеший яшаган даврида мотуридийлик таълимоти номи ислом оламига кенг тарқалмаган ва алоҳида таълимот сифатида машхур бўлмаган эди. Мотуридийлик таълимоти номининг кенг тарқалишига катта ҳисса қўшган аллома Абул Муин Насафий ҳисобланади. [27:179] Зоро, Абул Муин Насафий калом илмига оид шоҳ асарининг номига ҳам, яъни “Табсират ал-адилла аъла тариқат ал-Имом Аби Мансур ал-Мотуридий” деб, Имом Мотуридий номини кирилган.

Абул-Юср Паздавий Мовароуннаҳрда айниқса, Бухорода ҳанафий мазҳаби ҳамда мотуридий калом мактабининг ривожланишида улкан хизмат қўрсатган. Бинобарин, унинг пойтахт ҳисобланган Самарқандга қўчиб келиши ҳам, ҳанафий таълимоти ривожланишининг йўналишларини сезиларли даражада ўзгартириб юборади. Уламолар орасида катта обрўга эришган Абул-Юср Паздавий Самарқандда “Қозийул-қузот” унвонига эришади. Лекин салжуқийлардан Маликшоҳнинг Мовароуннаҳрга қарши юриши натижасида (481/1088-89.) алломанинг Самарқанддаги муваффақиятли фаолиятига яқун ясалади. Айнан шу ҳолат алломанинг акаси Али Паздавийда ҳам қузатилиб, у Кешга сургун қилинади ва ўша ерда вафот қиласи. Сўнгра Абул-Юср Паздавий ва Абул-Муин Насафий ўз оиласири ва шогирдлари билан Бухорога қўчиб ўтишга мажбур бўлади. Бу икки алломанинг, айниқса, уларнинг шогирди ҳисобланмиш Алоуддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Аҳмад Самарқандийнинг (в. 539/1144-45.)

Бухорога кўчиб ўтишлари у ерда мутакаллим олимлар орасида Мотуридий таълимотининг кент ёйилишида ўзининг катта таъсирини кўрсатди. Қолаверса, аллома акаси Фахрул-ислом Абул-Уср Али Паздавийдан кейин ўз даврида ҳанафийлар шайхи бўлган. Унинг куняси “Қози ас-содр” (аср қозиси) бўлиб, усулий олим ва фақиҳ эди. У шоғий – ашъарийларнинг ҳанафийлар таълимотига қарши қаратилган фаолиятини фош қилишда жонбозлик кўрсатади ҳамда имом Мотуридий ва Абу Ҳанифанинг Ашъарийга нисбатан устунлигини ҳимоя қиласиди.[29:160] Паздавий имом Ашъарийнинг кўплаб асарларини мутолаа қиласиди. Унинг “Мужиз ал-кабир” ва “Мақолат ал-исломийин” асарларини ҳам қунт билан ўрганади. Аллома ўзининг “Усул ад-дин” асари муқаддимасида Киндий каби файласуфларнинг, Жуббоий, Каъбий ва Наззом каби мўътазила имомларининг асарларини ўқиб чиққанлигини зикр қилиб, улар ҳақидаги қарашларини баён қиласиди. [30:14] Бундан ташқари, у Абу Мансур Мотуридийнинг калом ва фиқҳ илмига доир асарлари ҳамда китоблари ва бошқа турли фанлар тўғрисида ёзилган асарларини ҳам қунт билан ўрганиб чиққанини айтади. Унинг Самарқандда олиб борган фаолиятининг муҳим йўналиши ҳам, Мотуридийнинг эътиқодий қарашларини ҳанафий мазҳаби ақидасига айлантиришдан иборат бўлган.

Мутакаллим олимлар аҳли сунна вал-жамоанинг соғ эътиқодий қарашларини баён қилиш билан бирга ўз давридаги турли адашган фирмә ва оқимларга ақлий ва нақлий далиллар воситасида раддиялар берганлар. Шунингдек, аҳли сунна вал-жамоанинг ақидавий таълимотларидан бири бўлган ашъарийлик таълимотининг ҳам айрим қарашларига ўз муносабатларини билдириб ўтган. Абу Мансур Мотуридий асарларида ашъарийлик таълимотига нисбатан фикрлар учрамайди. Чунки бу даврда ашъарийлик таълимоти ҳам, мотуридийлик таълимоти ҳам алоҳида ақидавий мактаб даражасига етмаган эди ва ушбу икки таълимотнинг ғоявий рақиблари, асосан мұтазилийлар эди. Мотуридийлик таълимоти вакилларидан биринчи бўлиб, Абул-Юср Паздавийнинг ашъарийларга нисбатан билдирган фикрларини учратиш мумкин. Чунки Паздавий ўз давридаги турли фирмә вакилларининг фикрлари билан яқиндан таниш бўлгани билан бир қаторда, Абул Ҳасан Ашъарийнинг ҳам асарларини таҳлил қиласиди. Паздавий Ашъарийнинг асарлари ҳақида шундай фикр билдирган: “Бизнинг асҳобларимиз “таквин” ва “муқавван” масаласида Абул Ҳасан Ашъарийнинг фикрларини нотўғри деб ҳисоблайди. Шунинг учун ким Абул Ҳасан Ашъарий хато қиласиди масалалардан воқиф бўлса ва унинг хатосини билса, унинг китобларидан фойдаланиши ва сақлашидан хавф йўқ. Чунки, кўпгина уламоларимиз имом Ашъарийнинг китобларини ўқиб турганлари сир эмас”. [30:14]

Натижалар. Калом илми вужудга келган дастлабки даврларда унга нисбатан салаф уламолари қарши чиққанлар ва ҳатто калом билан шуғулланган инсонни кофир даражасига ҳам чиқарганлар. Бунга сабаб, исломнинг илк даврларида ҳар қандай шаръий масалани ечишда фақатгина Қуръон ва Суннатга суюниш зарур бўлган. Ақлий тафаккурга оид бўлган мантиқ, фалсафа каби фанлар билан шуғулланиш қатъиян ман қилиб қўйилган эди. Калом илми эса, ақидавий масалаларни нақлий далиллар ҳисобланмиш Қуръон ва ҳадислар билан бир қаторда ақлий тафаккур ва баъзи ўринларда фалсафий ёндашувларни ўзида мужассам этган илм ҳисобланган. Шу боис дастлабки даврларда калом билан шуғулланган олимлар (мутакаллимлар) фақиҳ уламолар томонидан кескин танқидга учраганлар.

Бунга мисол қилиб калом илмини танқид қилган бир қанча фақих уламоларнинг фикрларини келтириш мумкин: Абу Ҳанифа шундай деган: “Амр иbn Убайдни худо урсин. Чунки У калом илмига эшик очиб берди” [2:253]

Абу Ҳанифанинг шогирди Абу Юсуф: “Калом илмини ўрганиш, билиш жаҳолатдир. Уни билмаслик эса илмдир”. Имом Шофий эса, калом илмига энг қаттиқ қаршилик кўрсатган: “Аҳли калом ҳақидаги менинг ҳукмим қўйидагича: Уларни дараҳт пўстлоғлари ва ковушлар билан савалаб, эшакка тескари мингизиб ўзларининг қабилаларига сазойи қилиш керак ва қабила аҳлларига, бундай жазо фақат Куръон ва суннатни тарқ этганларга берилур, деб жар солиш керак”, деган. [2:254]

Аҳмад ибн Ҳанбал шундай деган: “Калом илми билан шуғулланувчи одам ҳеч қачон иқболли бўлмас”. Абул-Лайс Ҳофиз шундай деган: “Қайси бир олим калом илми билан шуғулланса, унинг исми уламолар сафидан ўчириб ташланади”. [2:254]

Калом илмини танқид қилган олимлар, Куръон ва ҳадисда ислом таълимоти, мафкураси, эътиқодий-назарий қарашлари муфассал талқин этилган ва шунгача бўлган ҳар қандай диний, фалсафий, мантиқий ва ақлий назариялар бекорчи нарсалардир, деган фикрларида қатъий туриб олганлар. Улар ислом динигача шаклланган юонон, форс ёки шарқ фалсафаси, шу жумладан, калом илмидан воз кечишини маъқул деб билганлар. Чунки калом илмидан нақлий далиллар олиб ташланса, фалсафа илмига жуда яқин бўлиб қолар эди. Калом илмига нисбатан таъқиқ ва чекловлар ҳижратнинг иккинчи асригача давом этган.

Лекин кейинги асрларга келиб ислом дини дунёнинг кўп мамлакат ва халқларига ёйилиши ва ислом мафкурасининг турли ноисломий мафкуралар билан тўқнашуви натижасида уларга раддия бериш муаммолари келиб чиқа бошлади. Чунки ислом ақидаси ва аҳкомларини уларга тушунтириш ва асослаб бериш учун оят ва ҳадисларнинг ўзи кифоя қилмас эди.

Шунингдек, ислом динининг ўзида ҳам исломнинг соф ақидасига зид бўлган тоифа ва оқимлар пайдо бўла бошлаган эди. Бундай оқим ва тоифалар ўзларининг дунёқарашларида асосан калом, мантиқ, жадал, мунозара каби ақлий далил ва хужжатларга суянар эдилар. Бундай оқимларнинг энг пешқадамларидан бири, шубҳасиз мұтазилийлар эди. Улар ўзларининг ақидаларини тарғиб қилишда ҳатто тазийқ ва куч ишлатиш усулларидан ҳам фойдаланар эдилар. Бунга мисол қилиб, уларнинг энг ёрқин вакилларидан Ибн Абу Довуднинг халифа Маъмунга “Куръон маҳлуқдир” деган нотўғри ақидани барча мусулмонларга мажбуран сингдириш зарурлигини уқтиргани ва Имом Аҳмад ибн Ҳанбални жазолатгани ҳақидаги тарихий воқеаларни келтириш мумкин. Шунинг натижасида соф ақида тарафдорлари ўз мухолифларига фақат нақлий далилларни ўрганиш билан ҳам шуғулланишларига тўғри келган эди.

Шундай қилиб, аввал салаф уламолари томонидан ман қилинган калом илми ислом дунёсида ҳам кенг кўламда ўрганила бошланди ва бу фанда дунёга машҳур ислом мутафаккирлари, файласуфлари ва мутакаллимлари етишиб чиқди.

Натижада, мусулмон оламида калом илмида аҳли сунна вал- жамоа ақидасига мувофиқ бўлган икки мазҳаб: Бағдодда “ашъарийлик”, Самарқандда “мотуридийлик” мактаблари пайдо бўлди. Юқорида калом илмига нисбатан билдирилган қарши фикрлардан фарқли ўлароқ, ушбу икки аҳли сунна вал жамоа мактаби мутакаллимлари калом илмига нисбатан ўзларининг ижобий фикрларини билдира бошладилар.

Бундай олимларга мисол қилиб, мотуридий калом мактабининг машхур намоёндаси Абул-Юср Паздавийнинг қуйидаги фикрларини келтириш мумкин: “Калом илми фарзи айн бўлган усул ад-диннинг шарҳидир. Бу илм билан шуғулланиш шу қадар зарурки, уни эътиқодлилардан ўрганиш мубоҳ, ҳатто фарзи кифоя даражасидадир”. [27:38] Аллома “Усул ад-дин” асарида “Китоб ал-олим вал-мутааллим”дан устоз ва шогирд ўртасида бўлиб ўтган қуйидаги сұхбатни калом илми билан шуғулланиш мумкин эканига далил сифатида келтиради.

Шогирд:

- Устоз, баъзи одамлар менга: “Бу ишга (калом илми билан шуғулланишга) асло дахл этма. Зоро, саҳобалар ҳам бу ишларнинг ҳеч бирига дахл этмаганлар. Уларнинг қилганини қил” дедилар.

Устоз:

- Сен уларнинг камчиликларидан баъзиларини кўриб, уларга қарши далил излаётганингни пайқадим. Агарда улар сенга: “Саҳобаларга етган нарса сизга етмайдими?” десалар, уларга: “Саҳобаларнинг ўрнида бўлганимда, уларга етган нарса менга ҳам етар эди, аммо уларнинг хузурида бўлган зот менинг ёнимда йўқ”, дегин.

“Биз, бизни бадном қилишга урунганлар ва қонимизни тўкишни ҳалол санайдиганларга дучор бўлдик. Қайси биримиз ноҳақ ва қай биримиз ҳақ? Буни билмаслигимиз мумкин эмас. Биз ўзимизни ва номусимизни ҳимоя қилмоғимиз лозим. Расууллоҳ (с.а.в)нинг асхоблари эса, қарши курашувчилари бўлмаганидан аслаҳага эҳтиёж сезмаган халққа ўхшар эдилар. Биз эса, уруш қиладиган душманга йўлиққанимиз учун ҳам қуролланишимиз зарур”. [28:40-41] Паздавийнинг гувоҳлик беришича, Абу Ҳанифа ҳам ўз шогирдларига калом илмидан таълим берган ва бу борада мўътазилийлар билан мунозаралар олиб борган. Лекин умрининг охирларида калом илмida мунозара қилишдан қайтарган. Шундай бўлсада, калом илмини ўрганиш ва бу борада китоблар тасниф қилишга рухсат берган.

Хулоса. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, диний-ақидавий масалаларни илмий асосда чуқур ўрганиш ҳозирги давр учун ҳам, амалий аҳамиятга эга эканлиги ушбу мавзуни нақадар муҳимлигини кўрсатади. Ислом динининг маданий қадриятлари ва анъаналари, жаҳон миқёсида ислом дини қолдирган жуда улкан маънавий мерос нафақат минтақамизнинг тарихий ривожланишига кўп жиҳатдан қўшилган ҳиссасини, балки унинг ҳозир шаклланиб бораётган сифат жиҳатдан янги қиёфасини ҳам белгилаб беради. Абул-Юср Паздавий ўз давридаги бошқа фирмалар билан баҳслар олиб бориш билан бир қаторда, ашъарий таълимоти ва бошқа тоифаларни уларнинг асарлари орқали ўрганиш билан чегараланмасдан, бевосита ашъарийлар ва нотўғри ақидадагилар билан ҳам илмий баҳс-мунозаралар олиб борган. Демак, Паздавийнинг бой илмий меросини хусусан “Усул ад-дин” асарини мотуридийлик таълимотини ҳимоя қилувчи асар сифатида баҳолаш ўринлидир. Шунингдек, бу асар бугунги кунда пайдо бўлган айрим экстремистик кайфиятдаги адашган оқимларга қарши курашда ҳам катта аҳамият касб этиши табиий.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Шайх Абдулазиз Мансур. Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Тошкент: Ўқитувчи, 2020.

2. Шайх Абдулазиз Мансур. Мансур А. Калом илми тарихидан бир лавҳа // Имом Бухорий сабоқлари журнали. – 2004. - № 4.
3. Али ибн Султон Муҳаммад ал-Қори. “Мирқотул мафотиҳ фи шарҳи мишкотул масобиҳ”. Байрут, 2002 й.
4. Абдулҳамид Маҳмуд Тахмоз. Ал-Фиқҳ ал-ҳанафий фи савбиҳ ал-жадид. – Дамашқ: Дор ал-қалам, 2009.
5. Алоуддин Абу Бақр ибн Масъуд Косоний. Бадоиъ ас-саноиъ фи тартиб аш-шароиъ. – Қоҳира: Дор ал ҳадис, 2005.
6. Доктор Ваҳба Зуҳайлӣ. Фиқҳ ал-исломий ва адиллатуҳ. – Дамашқ: Дор ал-Фикр, 2006.
7. Ибн Кутлубғо. Тож ат-Тарожим фи табақот ал-Ҳанафия. – Боғдод, 1962.
8. “Ислом маърифати”. Ўзбекистон мусулмонлар идораси. Уламолар Кенгаши. – Тошкент: “Тошкент Ислом университети” нашриёти, 2005.
9. Зафар Аҳмад Усмоний Таҳонавий. Иъло ас-сунан. – Байрут, Ливан: Дор ал-Фикр, 2001.
10. Самъоний Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ибн Мансур ат-Тамими. Ал-Ансоб. Ж.І. – Байрут: Мактабатул асрия, 1998.
11. Абдулкарим ибн Муҳаммад Самъоний. ал-Ансоб. – Қоҳира. Дор ал-Жинон, 1988. – Ж. I.
12. Шамсиддин Заҳабий. Сяру аъламин нубало. – Т.: “Ҳилол нашр” нашриёти, 2017.
13. Абдулҳай Лакнавий. ал-Фавоид ал-баҳийа. – Байрут: Дор ал-маърифа, 1998.
14. Хайриддин Зириклий. Ҳадят ал-орифийн. Истанбул: Ислом тадқиқотлари институти, 1999. – Ж. 1.
15. Умар Ризо Каҳола. Муъжам ал-муаллифин. – Қоҳира: Иҳё ат-туроҳ ал-арабия, 1999. – Ж. 2. – Б. 501.
16. Лакнавий. “Ал-Фавоиду-л-баҳийа”. – Қоҳира: Мактабату-л-ҳажр ли-т-тибъот ва-н-нашр, 1993. – Ж. I.
17. Насафий Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад. Ал-қанд фи зикри уламои Самарқанд / Назар Муҳаммад ал-Фарёбий таҳрири остида. – Саудия Арабистони: Мактабатул Кавсар, 1991.
18. Ибн Хавқал. Мовароуннаҳр // араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи т.ф.д. Ш.С.Камолиддин. – Т.: “Ўзбекистон милий инциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2011.
19. Поён Равшанов. Қашқадарё Тарихи. – Т.: “Фан” нашриёти, 1995.
20. Уватов У. Буюк юрт алломалари. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2016.
21. Уватов У. Касбилик Фаҳр ал-ислом ал-Паздавий. – Т.: “Халқ сўзи” газетаси, 2002. – 6 декабр сони.
22. Ҳудуд ал-олам // форс тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи Омонулла Бўриев. – Т.: Ўзбекистон, 2008.
23. Бартольд В. Работы по исторической географии // Соч. - Москва: Наука, 1965. – Т. III.
24. Абу Муҳаммад Абдулқодир ибн Абул Вафо Муҳаммад ибн Муҳаммад Мисрий Кураший Ҳанафий. Ал-Жавоҳир ал-музия фи табақоти-л-ҳанафия / Тахқиқ муаллифи: Доктор Абдулфаттоҳ Муҳаммад Ҳалвоий. – Қоҳира: Мактабату-л-ҳажр ли-т-тибъот ва-н-нашр, 1993. – Ж. II.
25. Ёкут Ҳамавий. Мўъжам ал-булдон. – Байрут: Дору Содр, 1977.
26. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Фиқҳий йўналишлар ва китоблар. – Тошкент: “Sharq”, 2011.
27. Сайдмуҳтор Оқилов. Абу-л-Муин Насафий илмий мероси ва мотуридийлик таълимоти. – Тошкент: Мовароуннаҳр нашриёти, 2008.
28. Имом Аъзам. Имом Аъзам асарлари. – Тошкент: Мовароуннаҳр нашриёти, 2003.
29. Улрих Рудолф. Ал-Мотурудий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. – Тошкент: Имом Бухорий халқаро жамғармаси-ўзбекча нашр ҳуқуқи, 2001. – Б. 160.

30. Абул Юср Муҳаммад Паздавий. Усул ад-дин. – Миср, Мактаба ал-Азҳария лит турос, 2003.
31. Абдуллоҳ Абдулҳамид Саад. Ўрта Осиё олимлари қомуси. – Тошкент: Имом Бухорий республика илмий-маърифий маркази нашриёти, 2007.
32. Шамсиддин Заҳабий. Сияр аълам ан-нубала. – Байрут: Дор ал-китоб ал-арабий, 1995. – Ж. 18.
33. Оқилов С. Абу Мансур ал-Мотуридий илмий мероси ва мотуридийлик таълимоти // Монография. – Тошкент: Ҳилол, 2020.
34. Ибн Яҳё. Шарҳу жумали усул ад-дин. Туркия жумхурияти “Сулаймония” кутубхонаси, Шаҳид Али бўлими. – Қўллёзма. Инв. 1648/II.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ S/2 (4) – 2024

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари” электрон
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-
сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.**

**Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
масьулияти чекланган жамияти**

Таҳририят манзили:
100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-
уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com
Боғланиш учун телефонлар:
(99) 602-09-84 (telegram).